

Biznes-Эксперт

№ 10, 2022

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Жорий активларни прогнозлашда эконометрик моделлар асосида таҳлил услубиётини такомиллаштириш

9

В этом номере:

Роль «зеленой» таксономии инвестиционных проектов в области устойчивого развития

119

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Молиявий таҳдид		
Баходир ХАСАНОВ, Илоҳомжон НОМОЗОВ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мажбуриятлари ҳисобга олиш усуллари тақомиллаштириш	3	
Иқтисодийёт		
Фаридаҳон ҲАМИДОВА. Иқтисодийётни трансформациялаш шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари	6	
Нуқтая назар		
Улутбек НУРМАНОВ. Жорий активларни прогнозлашда эконOMETрик моделлар асосида таҳдид услубийтини тақомиллаштириш	9	
Бухгалтерия ҳисоби		
Гузэлбегим РАХИМОВА. Урнатилмаган ускуналар бухгалтерия ҳисобини жорий қилиш масалалари	13	
Тадбиркорлик		
Қудратилло ТУХСАНОВ. Тадбиркорликни молиялаштириш механизмнинг ҳаққаро жиҳатлари	17	
Бошқарув		
Каржаубай НУРМАНОВ. Стратегик бошқарув ҳисобида инновацион усуллари қўллаш имкониятлари	20	
Бошқарув ҳисоби		
Азамат МАХМУДОВ. Ҳўжалик субъектларида харажатарнинг бошқарув ҳисобини юритишда "IUZ" дастурини қўллаш истиқболлари	23	
Сўғияқни сақлаш		
Нодира ШАНАСИРОВА. Сўғияқни сақлаш тизимида молиявий назоратни тақомиллаштириш	26	
Маркетинг		
Санжар СОБИРЖОНОВ. Тадбиркорлик субъектлари фаслиятини бошқаришга онд назарий қарашлар	29	
Кластер		
Феруза АЗИМОВА, Мамура КУШАКОВА. Пахта-тўқимачилик кластерларида ҳодимларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш	33	
Таҳдид		
Илоҳомжон САЙДУЛЛАЕВ. Наманган вилояти иқтисодийотида кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги муаммолари ва унинг ечимлари	37	
Рақаман технология		
Одил РАҲИМОВ. Қилишқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожлантиришнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш	44	
Аграр соҳа		
Муаззамжон МАННОПОВА. Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик йўналишидаги кластерларни ривожлантириш ва бошқаришнинг асосий вазиқалари	48	
Қўн мавзуси		
Жонибек ТЎЖИЕВ, Аламожон ПАРШИЕВА, Жасур АРТИҚОВ. Маълумотлар интеллектуал таҳдиди	52	
Рақаман иқтисодийёт		
Умид БАЙМАТОВА, Азамат ДЖУРАЕВ. Рақаман иқтисодийёт ва электрон ҳукумати ривожлантириш давр талаби	55	
Тадқиқот		
Мунира АЗАРОВА. Ўзбекистонда қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	58	
Инвестиция		
Диора АБДУЛЛАЕВА, Шаҳноза НУРИЛЛАЕВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА. Инвестицион жозибадорликни таъминлаш йўллари	63	
Кичик бизнес		
Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари	67	
Назария ва амалиёт		
Лазизжон БОТИРОВ, Низомжон ХАЖИМУРАТОВ. Ҳўжалик юритувчи субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тақсим қилиш тақомиллаштириш	70	
Ёнғил саноат		
Жампид РАШИДОВ, Сарвар СОБИТЖОНОВ. Ёнғил саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашда моддий ресурслардан фойдаланиш самардорлиги	75	
Долзарб мавзу		
Саидбек САИДОВ. Лизинг тўловларини ҳисоблаш усуллари тақомиллаштириш йўллари	79	
Туризм		
Асрорбек СОБИРЖОНОВ. Туризм инфратўқимасининг ривожланиш даражасини баҳолаш	82	
Жаҳон тажрибаси		
Баҳодир ХОЛОВ. Лизинг муносабатларини тартибга солиш бўйича жаҳон тажрибаси	86	
Жараён		
Баходир ХАСАНОВ, Тулқин ПАРДАЕВ, Орифжон САРМАНОВ. Божхона тўловларини ундирилиши ҳолатининг тақмили	90	
Иқтисодий таҳдид		
Муҳидилло ҲОҚОВ. Корхоналар маркетинг фаолиятини таҳдид қилишда қўлланиладиган усуллар	93	
Таълим		
Муҳаббатжон МИРЗАКАРИМОВА. "Баркамол авлод" билаар мактабларида мултимедияли масофавий таълимни тақсим этиш	97	
Тадқиқот ва хулоса		
Хурпид ҚЎРЖАВОВА. Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар	100	
Стратегия		
Ойбек АХМЕДОВ. Мамалак иқтисодийотини ривожлантиришда кичик бизнесда рақобат муҳити	104	
Молия		
Асқар АМИРОВ. Алоқа соҳаси корхоналарида мажбуриятлар ҳисобини тақомиллаштириш йўналишлари	108	
Ҳисоб сўйсати		
Аслам ШОДИЕВ. Балиқчилик кластерлари бошқарув ҳисобида "Ҳисоб сўйсати"нинг тақсимлий-услубий жиҳатлари	112	
Экспорт		
Муҳиддин СУЛТОНОВ. "Ўзавтосаноат" корхоналари экспорт фаолиятининг ривожланиш жараёнари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар	116	
Устойчивое развитие		
Хилола БАҲОДИРОВА. Роль «зеленой» тақсимий инвестиционных проектв в области устойчивого развития	119	
Labour market		
Сугаю ОТАКУЗИЕВА. The development features of Uzbekistan's labour market in conditions of digital economy	123	

Содержание

Устойчивое развитие		
Хилола БАҲОДИРОВА. Роль «зеленой» тақсимий инвестиционных проектв в области устойчивого развития	119	
Labour market		
Сугаю ОТАКУЗИЕВА. The development features of Uzbekistan's labour market in conditions of digital economy	123	

Ўзбекистонда қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари Тенденции развития кондитерского рынка в Узбекистане Development tendencies of the confectionery market in Uzbekistan

Мунира АЗЛАРОВА,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
катта ўқитувчиси.

Аннотация

Ушбу мақола қандолатчилик соҳасини жадал иқтисодий ҳамда маркетинг фаолиятини ривожлантириши бўйича фалсафа доктори диссертацияси доирасида олиб борилган тадқиқот натижасидир. Ушбу мақолада озиқ-овқат товарлари бозорида бозор конъюнктураси ҳамда бозорни озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришнинг асосий манбалари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари импорти масаласи, сўнги йилларда республикамизда қандолатчилик билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари ўсиш динамикаси каби иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Данная статья является результатом исследования, проведенного в рамках диссертации доктора философии экономических наук, направлена на развитие интенсивной экономической и маркетинговой деятельности в кондитерской отрасли. В данной статье рассмотрена конъюнктура на рынке продовольственных товаров, а также основные источники наполнения рынка продовольственными товарами, вопросы промышленности, сельского хозяйства и импорта продовольственных товаров, а также экономические показатели, такие как динамика роста бизнеса субъектов предпринимательства, занимающихся кондитерским производством в нашей республике.

This article is the result of a study carried out as part of a Ph.D. thesis in economics, aimed at developing intensive economic and marketing activities in the confectionery industry. This article discusses the situation in the food market, as well as the main sources of filling the market with food products, the issue of industry, agriculture and food imports, as well as economic indicators such as the dynamics of business growth of business entities engaged in confectionery production in our republic.

Ички бозорни озиқ-овқат билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқариш соҳасида ўз-ўзини таъминлашга эришиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим сектори ҳисобланган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.


Олиб борилган тадқиқотлари натижасига таяниб шуни айтиш мумкинки, қандолатчилик ташкилотлари тармоғини озиқ-овқат саноати билан таққослаганда, улар сон жиҳатдан сезиларли даражада ўсган.

1-чизмада Ўзбекистонда 2011-2021 йилларда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони динамикаси берилган.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2012 йилда республикада қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 3003 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 7888 тани ташкил этиб, қарийб 2,6 мартага ошган. Бу кўрсаткичнинг ошиши республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқариш корхоналарини фаолиятини йўлга қуйиш, аҳолини қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш,

Калит сўзлар: қандолат маҳсулотлари, бозор конъюнктураси, ишлаб чиқариш ҳажми, бозор ҳажми, озиқ-овқат саноати, озиқ-овқат товарлари бозори.

Корхоналар сони, бирлик



1-чизма. 2011-2021 йилларда Ўзбекистонда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг сони¹.

ички бозорни сифатли қандолат маҳсулотлари билан тўлдиришда уларнинг иштирокини кенгайтиришга эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Қандолат корхоналарининг фаолияти кўлами ва натижаларини тавсифловчи кейинги энг муҳим

сулоатлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, улардан тайёрланган қандолат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасига 2014 йилда қиймати 14249,6 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги

Ишчи-ходимлар сони, киши



2-чизма. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаруви корхоналарида ишчи-ходимлар сонининг ўзгариш тенденциялари².

кўрсаткич, бу уларда ишловчи ишчилар сонининг ўзгариш тенденциясидир. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаруви корхоналарида ходимлар сонининг ўзгариш тенденциялари 2-чизмада келтирилган.

2011 йилда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишловчи ишчи-ходимлар сони 18030 кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда 19665 кишини, 2021 йилда 29704 кишини ташкил этди. Корхоналарида ишловчи ходимларнинг сони йилдан-йилга ошиб борган. Бунинг асосий сабабларидан бири, республикамизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўпайиши ва кенгайиши билан боғлиқдир.


Республикада ундан тайёрланган қандолат маҳ-

17996,7 тонна қандолат маҳсулотлари импорт қилинган. 2015 йилдан 2017 йилгача қандолат маҳсулотлари экспортида камайиш тенденцияси кузатилиб, 2015 йилда 13833,5 тонна, 2016 йилда 8569,6 тонна ва 2017 йилда 7263,9 тоннани ташкил этган. 2018 йилдан қандолат маҳсулотлари импорт қилиш сезиларли даражада кўпая бошлаган. 2018 йилда қандолат маҳсулотлари импорти 10682,1 тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 42355,5 тоннани ташкил этди.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 2014 йилда республикада қандолат маҳсулотлари бозори ҳажми 75960,1 тоннани ташкил этган. 2021 йилда эса бу кўрсаткич 157502,1

^{1,2} Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бозор ҳажми



3-чизма. Ўзбекистон Республикаси қандолат маҳсулотлари бозори ҳажми динамикаси³.

тоннани ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 81542 тоннага кўпайган. Республикамизда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида истеъмол товарлари, хусусан, озиқ-овқат товарларини ўзимизда ишлаб чиқаришга, яъни, ички ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътибор кучайиб алоҳида аҳамият бериламоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотларини нафақат ички бозор,

балки ташқи бозор МДҲ ва ЕИ мамлакатларига экспорт қилишни мақсад қилиб қўйган.

1-жадвалда Ўзбекистонда 2014-2021 йилларда қандолат маҳсулотлари экспорт импортининг сегментлар бўйича таҳлили берилган.

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, шакарли қандолат маҳсулотлари импорти 2014 йилда 12728,6 тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда

1-жадвал.

Ўзбекистонда 2014-2021 йилларда қандолат маҳсулотлари экспорт-импортининг сегментлар бўйича асосий кўрсаткичлари⁴, тонна

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Импорт	17996,7	13833,5	8569,6	7263,9	10682,1	19519,5	26129,3	42355,5
Шу жумладан:								
Шакарли қандолат маҳсулотлари	12728,6	7288,3	2059,0	3177,9	4325,1	7465,6	8326,5	13634,5
Улуши фоизда	70	53	24	44	40	38	32	32
Шоколад ва шоколад маҳсулотлари	892,6	2086,2	2498,8	577,4	753,4	1783,7	3051,4	6747,7
Улуши фоизда	6	15	29	10	12	9	12	16
Унали қандолат маҳсулотлари	4375,5	4459,0	4011,8	3508,6	5078,5	10270,2	14751,4	21973,3
Улуши фоизда	24	32	47	48	48	53	56	52
Экспорт	1236,6	1734,7	2746,9	8860,8	8175,2	6862,1	12785,9	15053,4
Шу жумладан:								
Шакарли қандолат маҳсулотлари	470,7	769,3	1377,5	5551,4	4355,1	3158,2	6783,4	6819,9
Улуши фоизда	38	44	50	63	53	46	53	45
Шоколад ва шоколад маҳсулотлари	14,7	1,5	66,8	172,8	226,2	210,5	164,1	233,1
Улуши фоизда	1	1	3	12	3	5	1	8
Унали қандолат маҳсулотлари	751,2	963,9	1302,6	3136,6	3593,9	3368,7	5838,4	7053,0
Улуши фоизда	61	55	47	35	44	49	46	47

^{3,4} Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

905,9 тоннага ошиб, 13634,5 тоннани ташкил этди. Шоколад ва шоколад маҳсулотлари импорти 2014 йилда 892,6 тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич эса 5855,1 тоннага ошиб 6747,7 тоннани ташкил этди. Унли қандолат маҳсулотлари импорти 2014 йилда 4375,5 тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 17597,8 тоннага ошиб, 21973,3 тоннани ташкил этди.

Илмий изланишларимиз шуни кўрсатадики, Ўзбекистон қандолат маҳсулотлар бозори динамик тарзда ривожланаётган бозорлардан бири ҳисобланади. Республикада қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- маҳсулот ассортиментининг кенгайиши;
- ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маркетинг тадқиқотлари ва сиёсати;
- янги техник ва технологиялардан самарали фойдаланиш даражаси;
- замонавий қадоқлаш ва ўраш материалларидан фойдаланиш;
- қандолатчилик соҳасига киритиладиган инвестициялар миқдори;
- қандолатчилик соҳаси бўйича билимли, креатив мутахассис ва технологларнинг кўпайиши.

Қандолат маҳсулотлари энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари сирасига кирмаса-да, инсоннинг энергетик балансларини тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга. Қандолат маҳсулотлари ўзининг жозибдорлиги, мафтункорлиги боис истеъмолчилар томонидан илиқ кутиб олинади ва катта харид талабига эга бўлган маҳсулотлардир.

Республикада қандолат маҳсулотларининг машҳурлиги миллий анъаналаримизга, маданиятимизга бориб тақалиб, турли тадбир, байрам, тўй-ҳашам, анъаналаримизда дастурхонимизнинг доимий маҳсулотларидан бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, ўзбек халқининг меҳмондўстлик белгиси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳаёт тарзида қандолат маҳсулотлари биринчи даражали зарур товарлардан ҳисобланмайди. Лекин талаб даромад бўйича эластик бўлиб, аҳоли даромадларининг ўсиши бу маҳсулотларга бўлган талабнинг ҳам кўпайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси қандолат маҳсулотлари бозори ривожланиши қуйидаги тенденциялар орқали тавсифланади:

- республикада қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда;

- қандолат маҳсулотларининг ташқи савдосида ўзбекистоннинг иштироки жуда ҳам фаол эмас. Экспортдан кўра импортнинг яққол устунлиги мавжуд, бу эса маҳаллий қандолат маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлиги жаҳон стандартларига етмаганидан (пастигидан) далолат беради;

- импорт қилинадиган маҳсулотлар кенг ассортименти ва ажойиб ўрами билан ажралиб туради, шунинг учун қандолат маҳсулотларини миллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан бир қаторда, уларнинг ўрами ҳисобига рақобатбардошлигини оширишлари керак;

- Ўзбекистонда қандолат маҳсулотлари бозори анча мураккаб бўлиб, унинг ривожланиши учун қатор омиллар таъсир кўрсатади. Қандолат бозори ароматизаторлар, қуюқлаштирувчи моддалар, эссенциялар, консервантлар, ёнғоқлар, қуритилган мевалар ва бошқа қандолат қўшимчаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришга боғлиқ. Шоколаднинг асосий таркибий элементларидан бири какао кукунини ва какао мойидир;

- бугунги кунда мамлакат қандолат бозорида маҳсус бозорларни, диабетга чалинганлар учун маҳсулотлар ёки ёш болалар учун аллергиялардан ҳоли маҳсулотларни ишлаб чиқиш, спортчилар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назорат қилувчи тузилмалар сони талаб даражасида эмас. Қандли диабетга чалинганлар сиз ва мен каби оддий одамлар ва улар ҳам унли қандолат маҳсулотини истеъмол қилишни хоҳлашади. Кўпгина шаҳарлардаги дўконларида ушбу тоифадаги истеъмолчилар учун унли қандолат маҳсулотлари ассортиментини жуда кенг эмас;

- қандолат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги муаммоси долзарб ва мураккаб бўлиб қолмоқда. Бу маҳсулотларнинг ички ва халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширишда муҳим омилдир.

- қандолат маҳсулотлари бозори ривожига тўсиқ бўлаётган омиллардан бири хом-ашё импортга юқори даражада боғлиқликдир.

Қандолатчилар уюшмаси раҳбариятининг фикрича, агар Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш хусусан, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва кўпайтиришга қаратилган ҳукумат даражасида бир қатор қарорлар қабул қилинса, жумладан, озиқ-

овқат маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш мониторингини йўлга қўйиш (мониторинг маълумотлари очик бўлиши зарур) бўйича таклифлар қабул қилинса, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулот-

лари билан таъминлаш, саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт миқдорини ҳам янада кўпайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-135 сонли қарори.
2. F.T. Kasimova. (2019). Improvement of marketing activities in small entrepreneurship in the conditions of development of competitive markets. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 03 (71), 577-583.
3. O.B. Djurabaev Modern management system in large companies of Uzbekistan // *Economics and Innovative Technologies*. Т. 2021. №. 6. С. 2.
4. O.O. Djurabaev. Management is the foundation of the digitalization of the economy // *Архив научных исследований*. – 2020.
5. M.Azlarova. Analysis methods of the factors influencing on consumer market Analysis methods of the factors influencing on consumer market // *Бюллетень науки и практики*. 2018. Т. 4. №2. С. 276-282.
6. G.Shanazarova. Features of innovative management strategy of the automotive industry of Uzbekistan // *Архив научных исследований*. – 2019.
7. Ўзбекистон Республикаси Даваат Статистика Қўмитаси маълумотлари.